

Ул хазратнинг нури кидамиятидаким зот бах-рининг аввалги жунбушида ул дурри бебахо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавхари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржга интикол этти то Сафиюллохдин Абдуллохга етти.

Эй килибон ламъаи нурунг зухур,  
Андаки не соя бор эрди, не нур.

Нурунга тоб икки жахондин бурун,  
Харне йўк андин бурун, андин бурун.

Зовияи хашмга хар зотдин,  
Рух ёкиб шамъ бу мишкотдин.

Топти азал субхи чу базминг чарог,  
Не тонг агар ёруса юз минг чарог.

Бўлди санга Одам сабкатнамо,  
Аввал ўгул, сўнгра гар ўлса ато.

Наслида харким анга пайванд ўлуб,  
Борчаси фарзандингга фарзанд ўлуб.

Кимки мунга даъвийи хужжат этар,  
«Кунту набийян» анга хужжат етар.

Ўзга далил истаса табъи саким,  
Басдурур Одамда «алиф», «долу», «мим».

Борчаси Ахмадда топиб иззу шон,  
Ўглида уч харф атодин нишон.

«Хо» ( ) и мухаббат санга-ўқдур насиб,  
Ким сени хак деди ўзига хабиб.

Хар неки хак важхи аро мубхам ул,  
Зохир этиб юзда хабиби хам ул.

Шохид этиб чехра бу кўзгу анга,  
Ул не килиб, кўргузубон бу анга.

Айлади чун одами хокий зухур,  
Солди анга партавин ул пок нур.

Нур дема, борикаи сармадий,  
Борика йўк, шаъшаи Ахмадий.

Бўлди чу Одамда бу партав нихон,  
Анда нихон, лек юзида аён.

Эгнига ёпилди дуввожи шараф,  
Килди макон бошига тожи шараф

Тахти рисолат уза шох ўлди ул,  
Хайли малойикка панох ўлди ул.

Истади Хавво била чун иттисол,  
Айлади Хаввога бу нур интикол.

Поку жамил айлади Хавво юзин,  
Уйлаки хак партави хавро юзин.

Шиска чун бўлди яна мунтакил,  
Ойни килур эрди юзи мунфаил.

Риштасидин чун бу гухар бўлди кам,  
Бир садаф ўлди яна гавхар шикам.

То атодин ато, анодин ано,  
Бир ано ким йўк эди андок яно.

Бўлди рисолат дурининг махзани,  
Балки нубувват гулининг гулшани.

Бўлгач-ўк ул дурга садаф пардапўш,  
Тушти жахон бахрига жўшу хурўш.

Эмдики рафъ этти юзидин никоб,  
Тугмади андок яна бир офтоб.

Гам тунини нур сиришт айлади,  
Ер юзини боги бихишт айлади.

## **БИРИНЧИ НАЪТ**

(Мазкур мадх) ул хазрат (Мухаммад с.а.в.) пайдо бўлган нурнинг қадимийлиги хақида

бўлиб, энг аввалги харакатларидаёк бу бебахо дурнинг ёлкини махфийлик ипини узди ва у ягона гавхарнинг порлок нури шуъла кўргузди ва дурждан дуржга кўчиб, сафиюллох (Одам а.с.)дан Абдуллохгача етди.

Сенинг нуриг шуъласи зухур килганда, унгача на соя бор эди, на нурнинг ўзи. Икки дунё пайдо бўлгунига қадар Сенинг нуригга тобора оладиган ҳеч нарса йўқ эди. Жисм (тана) қисмлари (бурчак)ига йигилган, ҳар нарсанинг асл Зоти(дан намуналар) жойлаштирилган тоқчага мил шамъ ёқди. Азал субҳи базминг чирогини кўлга киритганда, бошка юз, мингларча чироглар ҳам чараклаб кетган бўлса ажаб эмас. Одам Ато Сенга нисбатан авалгидай, аслида у сенга ўгил бўлди, сўнг инсонларга ота.

Ўз наслига кўра ҳар бир одам у билан пайванд, фарзандига барча фарзанддирлар. Қимқи бунга хужжат даъво қилса, «Қуръон»даги «Мен пайгамбарман» ибораси етарли хужжатлардир. Табиати носог бирон киши яна бошка бир далил талаб қилса, бунга «Одам» сўзидаги «алиф», «дол» ва «мим» ҳарфлари борлиги етарлидир. Чунки бу ҳарфларнинг ҳаммаси «Аҳмад» сўзида ҳам кадр-қиймат топган бўлиб, ўглида (отасида бор) уч ҳарф отадан белгидир.

«Хо»си сенга муҳаббат насиб бўлганини англаиб, Аллох сени ўзига «Ҳабиб» деди. Аллох юзида нима яширинган бўлса, улар ҳаммаси ҳабиби юзида ҳам намоён дир. Бу кўзгуни унга гувоҳ қилиб, у не қилса, уни кўзгу акс эттириб турар эди.

Тупрокдан бўлган одам зухур этгандан кейин унга ул пок нур ўз ёлкинини жойлаштиради. Уни нур эмас, абадий яшин, яшин ҳам эмас, Аҳмаднинг олдиндан маълум бўлган зўр шуъласи дейиш ҳам мумкин.

Одам Атога шундай шуъла яширингандан кейин, ичида ниҳон, бироқ юзида аниқ кўзга ташланиб турадиган бўлди. Шундай қилиб, унинг елкасига шон-шараф тўни ёпилиб, бошидан шараф тожи ўрин олди. Шу йўл билан (Аллохга) элчилик тахтида у шох, фаришталар гуруҳига эса паноҳ бўлди.

Шундан кейин у Ҳаво билан бирлашиш пайига тушди. Шу йўсинда бу нур Ҳавога ҳам кўчди. Ҳавонинг юзини у поклаб, Ҳудонинг нури хурларнинг юзини чиройли қилгандек бўлди.

Бу хусусиятлар Шисга кўчгандан сўнг, унинг юзи хатто Ойни уялтирадиган даражага етди. Авлодлари ипидан бир дона гавхар қамайса, қорнидан яна бошка бир гавхар ўрин оладиган бўлди. Отадан ота, онадан оналар юзага келиб, шундан кейин бунақа Она бошка пайдо бўлмади. Шу равишда Муҳаммад (с.а.в.) элчилик дуррининг ҳазинаси, янада тўғрироғи, пайгамбарлик гулининг гулшани бўлди.

Дур пайдо бўлувчи садаф янги бир дурга пардапўш (икки-кат) бўлганда, жаҳон денгизларида гулгула ва шовқин-сурон кўтарилди. Унинг юзидан никобни олинганда, бошка бир бундай Офтоб тугилмагани маълум бўлди. Тун қоронғилигини нур эгаллай бошлади. Бу Ер юзини эса беҳиштга айлантди.